

*“Ўзагросуғурта” АЖ Кузатув  
кенгашининг 2021 йил 30 ноябрдаги  
йиғилишининг 18 - сонли  
Баённомасига 1-Илова*

**2022 йил учун**

**БИЗНЕС-РЕЖА**

## Мундарижа

|  |           |
|--|-----------|
| <i>Кириш</i> .....   | 3-бет     |
| <b>I. Суғурта фаолияти</b> .....   | 4-бет     |
| <b>II. Қайта суғурталаш фаолияти</b> .....                                   | 12-бет    |
| <b>III. Жамиятда трансформация ва IPO жараёни</b> .....                      | 14-бет    |
| <b>IV. Маркетинг ва стратегик ривожланиш фаолиятида</b> .....                | 16-бет    |
| <b>V. Инвестиция фаолияти</b> .....  | 17-бет    |
| <b>VI. Кадрлар сиёсати</b> .....   | 19-бет    |
| <b>VII. Жамиятга ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш</b> ..... | 21-бет    |
| <b>VIII. Худудларни ривожлантириш</b> .....                                  | 24-бет    |
| <b>IX. Ахборот сиёсати масалалари</b> .....                                  | 25-бет    |
| <b>X. Жамият бизнес-режасининг прогноз кўрсаткичлари</b> .....               | 26-бет    |
| <i>Иловалар</i> .....  | 31-32 бет |

**“Ўзагросуғурта” АЖни молиявий соғломлаштириш,  
операцион самарадорликни ошириш ҳамда  
2022 йил учун  
БИЗНЕС-РЕЖАСИ**

**Кириш**

Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини барқарор ривожлантириш, соҳада давлат сиёсатини янгича ёндошувлар асосида юритишни талаб қилмоқда. “Ўзагросуғурта” акциядорлик жамиятини ривожлантиришнинг 2022 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини (кейинги ўринларда – бизнес-режа) мазкур вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Мазкур бизнес-режанинг устувор вазифалари “Ўзагросуғурта” акциядорлик жамиятинининг (кейинги ўринларда – Жамият) рақобатбардошлигини ошириш, халқаро суғурта бозорига чиқиш, суғурта фаолиятини тубдан такомиллаштиришга йўналтирилган бўлиб, қуйидаги устувор йўналишларни қамраб олади:

– Жамиятнинг суғурта фаолиятини бошқаришда замонавий усулларини жорий этиш;

– суғурта муносабатлари барча субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш;

– Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорининг босқичма босқич ривожлантириш устувор вазифалари билан ҳамоҳанг тарзда комплекс чора-тадбирлар ва аниқ таклифлар ишлаб чиқиш;

– суғурта бозорини жадал ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги ПҚ–4412-сон қарори билан тасдиқланган “йўл харитаси”да 2022 йил учун белгиланган ва мазкур Стратегия унга қўшимча сифатида ишлаб чиқилган ҳамда унда белгиланган тадбирларни сўзсиз ижро этиш;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суғурта бозорини рақамлаштириш ва ҳаёт суғуртаси соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 23 октябрдаги ПҚ–5265-сон қарори билан тасдиқланган 2021-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ҳаёт суғуртаси соҳасини ҳамда шахсий суғурта турларини ривожлантириш бўйича “йўл харитаси”да 2022 йил учун белгиланган тадбирларни ижросини ўз вақтида ва сифатли бажариш.

Шунингдек, Жамият фаолиятини 2021 йил 23 ноябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуни талабларига мувофиқлаштириш юзасидан тезкор вазифаларни амалга оширишдан иборат.

Жамиятнинг ривожланиши мазкур бизнес-режанинг иловасида белгиланган асосий кўрсаткичлар ва индикаторларга эришишга асосланади.

## I. Суғурта фаолияти

Бугунги кунда Жамият тизимида **140 дан ортиқ** суғурта турлари мавжуд бўлиб, улардан **20 таси** талаб юқори бўлган оммабоп суғурта турлари хисобланади. Амалдаги суғурта турлари доирасида жорий йилнинг 1 декабр ҳолатига **жами 1,1 млн. та суғурта шартномалари** тузилиб, мазкур шартномалар доирасида **69 трлн сўм суғурта жавобгарлиги** қабул қилиниши натижасида **206 млрд сўм суғурта мукофоти** тушуми таъминланган. Ҳисобот даврида қабул қилинган жавобгарликлар доирасида жами **30,5 млрд сўм суғурта тўловлари амалга оширилган**.

Суғурта мукофотлари таркибида ихтиёрий суғурта турларининг улуши **75,4 фоизини** (155,4 млрд сўм) ташкил этган. Жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳаёти ва саломатлигини **бахтсиз ходисалардан** суғурталаш (5,3 фоиз), **мол-мулкларни** суғурталаш (36 фоиз), **гаровга қўйилган мол-мулкларни** суғурталаш (7,8 фоиз) ҳамда учинчи шахслар олдидаги **жавобгарликларини** суғурталаш (6,2 фоиз) каби суғурта турларини алоҳида қайд этиш лозим.

### 1.1. Жамиятнинг суғурта бозоридаги улуши

2017-2021 йиллар давомида Жамият томонидан олиб борилган иш фаолияти натижасида суғурта мукофотлари тушумини йилдан йилга ўсишини кузатиш мумкин. Жумладан, 2017 йилда Жамият томонидан **134,3 млрд сўм суғурта мукофотлари** тушуми таъминланган бўлиб, суғурта бозоридаги улуши **17 фоизни** ташкил қилган.

2018 йилда Жамият томонидан **178,5 млрд сўм суғурта мукофотлари** таъминланиб (ўсиш 33 фоиз), суғурта бозоридаги улуши **14,7 фоизни** ташкил қилган.

2019 йилда Жамият томонидан **252,6 млрд сўм суғурта мукофотлари** тушуми таъминланган бўлиб (ўсиш 41,5 фоиз), суғурта бозоридаги улуши **14,6 фоизни** ташкил қилган.

2020 йилда Жамият томонидан **178,2 млрд сўм суғурта мукофотлари** тушуми таъминланган бўлиб (ўтган йилга нисбатан 70,6 фоиз), суғурта бозоридаги улуши **9,5 фоизни** ташкил қилган.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида Жамият томонидан **180,8 млрд сўм суғурта мукофотлари** тушуми таъминланиб, суғурта бозоридаги улуши **8,4 фоизни** ташкил қилган. 2021 йил якунига қадар Жамият томонидан жами **260 млрд сўм суғурта мукофотлари** тушуми таъминланиб (ўсиш 46 фоиз), суғурта бозоридаги улуши **9,2 фоизни** ташкил қилиши кутилмоқда.

Бизнес-режага мувофиқ Жамият томонидан 2022 йилда **320 млрд сўм** (ўсиш 23 фоиз) суғурта мукофотлари таъминланиши прогноз қилинган бўлиб, суғурта бозоридаги улуш **9,4 фоизни** ташкил этишини кутилмоқда.

## 1.2. Жамият томонидан кўрсатилаётган суғурта хизматлари сифатини ошириш ва оммабоплигини таъминлаш

Сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари ва Ҳукуматимиз томонидан аҳолига кўрсатилаётган хизматларнинг қулай, сифатли ва ишончли бўлишини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ислохотлардан келиб чиқиб, Жамиятимиз аҳоли ва унинг маълум қатламига қулайлик яратиш ва хизматлар нарҳини ҳамёнбоп бўлишини таъминлаш мақсадида **инклюзив суғурта турларини** амалиётга татбиқ этиб бормоқда. Жумладан, жорий йилда бутунжаҳон COVID-19 пандемияси шароитида амалга оширилаётган кенг кўламли вакцинация жараёнида аҳолига суғурта ҳимоясини тақдим этиш мақсадида **“Вакцинанинг салбий оқибатларидан суғурталаш”** суғурта тури жорий этилди.

2022 йилда Жамият томонидан камбағалликни қисқартириш ва иш билан банд бўлган аҳолига суғурта ҳимоясини тақдим этиш йўналишида “Ходим ишини йўқотишидан суғурта қилиш” янги суғурта турини амалиётга татбиқ этиш ва мазкур суғурта тури доирасида 2022 йилда **15-20 мингта** суғурта полислари сотилиши ва **5-6 млрд сўм** суғурта мукофоти тушумини таъминлаш режалаштирилган.

Шу билан бирга, Жамият томонидан **микросуғурта** турларини, жумладан, **“Аҳолининг мол-мулклари ва турар-жой иморатларини суғурталаш”** ҳамда **“Оилавий тадбиркорларнинг тадбиркорлик объекти бўлган мулклари ва бино иншоатларинини суғурталаш”** бўйича **“суғурта қутиси”** (*коробочная страховка*) суғурта маҳсулотларини жорий этиш ва мазкур суғурта турлари орқали аҳолига кўрсатиладиган хизмалар кўламини **1,5 баробарга** ошириб, келгуси йилда **4-5 млрд сўм** суғурта мукофоти тушуми кутилмоқда.

Суғурта хизматларини ривожлантиришнинг яна бир муҳим йўналишларидан бири бу **Е-Полис** тизмини такомиллаштиришдир. Хозирда Жамият томонидан **9 та** оммабоп суғурта турлари (*иморат суғуртаси, каско суғуртаси, юқмли касалликлардан суғурталаш, шахс ва унинг оила аъзоларини бахтсиз ходисалардан суғурталаш кабилар*) бўйича расмий веб-сайт ҳамда мобил илова орқали электрон суғурта полислари сотуви йўлга қўйилган. 2022 йилда Е-Полис тизми орқали сотиладиган суғурта маҳсулотлари сонини **2 баробарга** ошириш режалаштирилган.

Жумладан, республикамизда **“Банксуғурта”** хизматининг жорий этилиши режалаштирилаётганлигини инобатга олиб, тижорат банклари электрон платформалари орқали банк мижозларига интеграциялашган суғурта маҳсулотларини сотишни йўлга қўйиш кўзда тутилган. Мазкур тизимнинг жорий этилиши суғурта хизматларини кўрсатишдаги **ишлаб чиқариш харажатларини кескин камайтириш** имконини беради.

Ривожланаётган рақамли иқтисодиёт шароитида молия институтларининг бизнесни бошқаришда янги тамойиллардан фойдаланаётганлиги “яшил” иқтисодиётга ўтиш имконини яратмоқда. Бу борада **ESG (Environmental Social Governance) – Экологик, ижтимоий корпоратив бошқарув** тизими асосида фаолиятни ташкил муҳум аҳамият касб этмоқда.

ESG тизимини жорий этиш, суғурта ташкилотларида инсон ва табиат ресурсларидан унумли фойдаланиш, инвестиция фаолиятини назорат қилиш ва табиатни ҳимоя қилиш бўйича “яшил” суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш ҳамда экологик рисклар андеррайтингини тўғри ташкил этиш каби тамойилларни ўз ичига олади.

Жамият томонидан ESG тизимини жорий этишда биринчи навбатда табиат ва атроф-муҳитни ифлосланиши билан боғлиқ қалтисликларни суғурталаш маҳсулотларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш устувор мақсад этиб белгиланган.

2022 йилда Жамият томонидан барча тоифадаги юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарликларини суғурталаш доирасида **“Табиатни ва атроф-муҳитни зарарланишида юзага келадиган жавобгарликни суғурталаш”** суғурта тури амалиётга татбиқ этилади. Мазкур янги суғурта тури доирасида **50 мингга яқин** суғурта полисларини сотиш ҳамда камида **4 млрд сўм** суғурта мукофоти тушумини таъминлаш режалаштирилган. Натижада, суғурта портфелидаги экологик рискларнинг улуши 2 баробарга ортиши кутилмоқда.

2022 йилда Жамият томонидан айрим соҳаларнинг янги қонун ҳужжатлари талабларидан келиб чиқиб янги суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Жумладан, инсон ҳаёти соғлиғи билан боғлиқ қалтисликлар доирасида **“Олтин қазувчиларнинг ҳаёти ва соғлиғини суғурталаш”** ҳамда жавобгарлик суғуртаси доирасида **“Ер ости бойликларидан фойдаланувчиларнинг жавобгарлигини суғурталаш”** каби янги суғурта турларини амалиётга жорий этиш режалаштирилган. Мазкур суғурта турларини доирасида кўрсатиладиган хизматлар натижасида камида **3 млрд сўм** суғурта мукофоти тушумини таъминланади.

### 1.3. Қишлоқ хўжалиги ва корхоналар мол-мулки суғуртаси

Жамиятнинг асосий устивор йўналиши ҳисобланган қишлоқ хўжалиги ва корхоналар мол мулкини суғурталаш турлари бўйича 2020 йилда **66,5 млрд сўм** суғурта мукофотлари тушуми таъминланган бўлса, 2021 йилда ушбу кўрсаткич **114,8 млрд сўмни** (*жами тушумга нисбатан 44,1 фоизни*) ташкил этади.

2022 йида қишлоқ хўжалиги ва корхоналар мол мулкани суғурталаш турлари бўйича **130 млрд сўм** (113 фоиз) суғурта мукофотлари тушуми прогноз қилинмоқда. Мазкур суғурта мукофотлар тушумини таъминлаш борасида қуйидаги ишларни амалга ошириш кўзда тутилган:

1. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суғурта бозорини рақамлаштириш ва ҳаёт суғуртаси соҳасини ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 23 октябрдаги ПҚ-5265-сон қарори билан тасдиқланган суғурта бозорини жадал ривожлантириш бўйича “йўл харитаси”да 2022-2023 йилларда Қишлоқ хўжалиги хавфларини мажбурий суғурталаш тизимини жорий этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш белгиланган. Мазкур топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида Қишлоқ хўжалиги хавфларини мажбурий суғурталаш тизимини жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

2. Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини суғурталаш бўйича 2021 йилда **178 та** суғурта шартномалари тузилиб, **400 млн сўм** суғурта мукофотлари тушуми таъминланган бўлса, 2022 йилда экинлар ҳосилини суғурталаш бўйича **450 та** суғурта шартномалари тузиш ҳисобига **1 млрд сўмдан зиёд** суғурта мукофотлари тушумларини таъминлаш;

3. Мева-сабзавотчилик йўналишида фаолият юритаётган қишлоқ хўжалик корхоналарини суғурта ҳимоясини таъминлаш мақсадида:

– қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорт контрактларини сиёсий ва тижорат таваккалчиликларидан суғурта қилиш;

– экспорт шартномаси мавжуд бўлган мева-сабзавот кластерлари, кооперациялар ва фермер хўжаликларига суғурта мукофотларини 50 фоизини давлат бюджетидан қоплаш тартибини амалиётга жорий этиш.

4. Чорвачилик соҳасида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар жараёнида Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳоли хонадонларида ва чорвачилик йўналишида фаолият кўрсатадиган хўжалик юритувчи субъектларда парвариш қилинаётган чорва ҳайвонларини суғурта қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2019 йил 30 сентябрдаги 830-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида:

чорва ҳайвонларини суғурталаш бўйича жорий йилда **682 та** суғурта шартномалари тузилиб, **179,5 млн сўм** суғурта мукофотлари тушуми таъминланган бўлса, 2022 йилда мазкур суғурта тури бўйича **850 та** суғурта шартномалари тузиш ҳисобига **327 млн сўм** суғурта мукофотлари тушуми таъминланиши режалаштирилган.

2021 йилда Ўзбекистон Республикаси Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги, “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси билан ҳамкорликда уч томонлама

балиқчилик соҳасидаги хавфларни суғурталаш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланган. Унга асосан **Балиқлар ва балиқчилик технологик ускуналарини** суғурталаш ишларини ташкил этиш юзасидан 2022 йилда **500 млн сўм** суғурта мукофотлари тушумларини таъминланади.

“Паррандасаноат” уюшмаси билан биргаликда 2021 йилда республикада фаолият юритаётган паррандачилик корхоналаридаги мавжуд паррандаларни суғурталаш тартиби ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этиш учун тақдим қилинди. Натижада 2022 йилда **паррандачилик соҳасидаги** хавфларни суғурталаш бўйича **1 млрд сўмдан зиёд** суғурта мукофотлари йиғилади.

Ўз навбатида, **лизингга олинган қишлоқ хўжалиги техникалари ва асосий воситаларни суғурталаш** бўйича 2021 йилда 160 та суғурта шартномалари тузилиб **1,5 млрд сўм** суғурта мукофотлари тушуми таъминланган бўлса, 2022 йилда суғурта шартномаларини **230 тага** етказиш ҳисобига **3,1 млрд сўм** суғурта мукофотлари тушуми таъминланади.

Шунингдек, келгуси 2022 йилда:

Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчилар билан тузилаётган суғурта шартномаларини соддлаштириш ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида амалдаги суғурталаш қоидалари ва намунавий суғурта шартномаларини қайта кўриб чиқиш;

Қишлоқ хўжалиги экинлари суғуртаси бўйича агротехник тадбирларга риоя этилиши ва экин ҳолатини мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш орқали зарарлилик даражасини камайтириш;

Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчиларига қулайликлар яратиш мақсадидда суғурта шартномаларини “Agroonline” электрон дастури орқали расмийлаштириш тизимини такомиллаштириш натижасида қишлоқ хўжалиги корхоналарига кўрсатилаётган суғурта хизматларини сифатини яхшилаш Жамиятнинг асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

#### 1.4. Мажбурий суғурта

Мажбурий суғурта турлари бўйича жорий йилда **68,4 млрд сўм** суғурта мукофотлари тушуми таъминланади. Жумладан:

– транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртаси бўйича **23,7 млрд сўм**;

– иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртаси бўйича **34 млрд сўм**;

– ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртаси бўйича **560 млн сўм**;



– хавфли ишлаб чиқариш объектларини мажбурий суғуртаси бўйича **3,4 млрд сўм**;

– Объектларни давлат маблағлари ва ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликларини мажбурий суғуртаси бўйича **6,7 млрд сўм**.

Ўз навбатида, келгуси 2022 йилда мажбурий суғурта турлари бўйича **80,7 млрд сўм** суғурта тушумлари таъминланиши режалаштирилган. Жумладан:

– транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртаси бўйича **30 млрд сўм (126 фоиз)**;

– иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртаси бўйича **36,1 млрд сўм (106 фоиз)**;

– ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртаси бўйича **1,4 млрд сўм (249 фоиз)**;

– хавфли ишлаб чиқариш объектларини мажбурий суғуртаси бўйича **4,2 млрд сўм (123 фоиз)**;

– объектларни давлат маблағлари ва ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликларини мажбурий суғуртаси бўйича **9 млрд сўм (134 фоиз)**.

Юқорида белгиланган режаларни бажаришда келгуси 2022 йилда қуйидаги ишлар амалга оширилиши режалаштирилган:

**Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртаси бўйича:**

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суғурта бозорини рақамлаштириш ва ҳаёт суғуртаси соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 23 октябрдаги ПҚ–5265-қарори ижросини таъминлаш юзасидан 2022 йил якунига қадар мажбурий суғуртанинг барча турлари бўйича суғурта полисларини қоғоз бланкаларда расмийлаштириш амалиёти бекор қилиш ва электрон Е-полис сотиш тизимини ташкил этиш;

– ҳудудлардаги ишларни такомиллаштириш учун қамровни ошириш ва агентлик тармоғини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

– 2022 йилдан Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртаси бўйича тўлиқ электрон Е-полисни сотиш ва расмийлаштиришни тизимини ишга тушириш, ҳамда ушбу суғурта тури бўйича амалдаги суғурталаш тартибини янгилаш ва такомиллаштириш;

– шартномаларни онлайн Е-полис орқали расмийлаштириш ва ҳисобини юритишни автоматлаштириш;

- агентлик шаҳобчаларини кўпайтириш;
- тўловларни кафолатлаш жамғармаси билан ТВЭФЖМС қилиш бўйича онлайн тарзда ягона ахборот тизимини янада такомиллаштириш;
- ТВЭФЖМС қилиш бўйича Тўловларни кафолатлаш жамғармасига қонун ҳужжатларига мувофиқ сийлов олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар бўйича онлайн расмийлаштириш.

**Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртаси бўйича** Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари билан ҳамкорликда ишларни ташкил этиш. Бунда иш берувчи ташкилотлар томонидан “ИБФЖМСҚ” Қонуни ижросини доимий мониторингини олиб бориш ва маълумотлар алмашинувини йўлга қўйиш орқали амалга оширилади. “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш” суғурта туридан Жамият тизимида яратилган дастурий таъминот базасини Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги базаси билан интеграциялаш ҳамда такомиллаштириш орқали амалга оширилади. Шунингдек, республикадаги йирик иш берувчилар билан шартномалар имзолаш.

**Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича:**

- республикадаги мавжуд йирик миқдордаги иш берувчиларни аниқлаш ва йўловчиларни ташиш билан шуғулланувчи юридик шахслар ҳамкорлик меморандумларини имзолаш;
- барча ҳудудларда ташувчининг мажбурий фуқаролик жавобгарлигини суғурталашни янада ривожлантириш ва тўлиқ даражада қамраб олиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва масъул ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш;
- ушбу суғурта тури бўйича суғурта шартномалари, суғурта мукофотлари ва олинган мажбуриятларини Суғурта шерикчилиги доирасида ҳисобга олиш;
- ходимлар ва агентлар малакасини оширишга қаратилган семинарлар ўтказиш, шунингдек суғурта қоидалари шартларини миқдорларга тушунтириш ва аҳолини суғурта маданиятини ошириш;

**Хавфли ишлаб чиқариш объектларини мажбурий суғурта қилиш бўйича** Давлат саноат хавфсизлиги қўмитаси билан ҳамкорликда ҳудудлардаги давлат реестрлари бўйича рўйхатдан ўтган хавфли ишлаб чиқариш объектлари ҳисоби асосида хавфли ишлаб чиқариш объектида авария юз берган ҳолда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф-муҳитга зарар етказганлик учун жавобгарлик қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда мажбурий суғурта шартномаларини тузишни ташкил этиш.

**Объектларни давлат маблағлари ва ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликларини мажбурий суғурта қилиш бўйича**

Қурилиш вазирлиги билан ҳамкорликда республиканинг барча ҳудудлардаги 2022 йилга режалаштирилган қурилиш объектларини рўйхати олиш ва Объектларни давлат маблағлари ва ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликларини мажбурий суғурта қилиш шартномаларни тузишни ташкил этиш.

**1.5. Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини суғурталаш**

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг маълумотига кўра, ҳозирда **1,7 млн** Ўзбекистонлик чет элда меҳнат фаолиятини амалга оширмоқда. Уларнинг аксарияти Россия Федерацияси **1,3 млн (76 фоиз)** ва Қозоғистон Республикасида меҳнат қилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган 9 оyi мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига (*Россия ва Қозоғистон*) вақтинчалик ишлаш мақсадида чиқаётган фуқароларни суғурталаш бўйича **23 мингдан** зиёд суғурта шартномалари тузилиб, **1,2 млрд сўм** суғурта мукофоти таъминланди ва **2,8 трлн сўм** суғурта жавобгарлиги олинди.

Бироқ, аксарият Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Россия ва Қозоғистонга ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг “Labor migration” дастурий мажмуасидан рўйхатдан ўтмай чиқиб кетмоқда.

Ҳозирги кунда четга вақтинчалик ишлаш мақсадида чиқаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини тўлиқ суғуртавий қамровга олиш мақсадида қўйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Авиа ва темир йўл кассаларида, Халқаро аэропорт ва темир йўл вокзалларида Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги билан ҳамкорликда Республика ташқарисига вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини суғурталаш;

2. 2022-2023 йилларда Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг Россия Федерацияси ваколатхонаси билан олиб борилаётган ишларни такомиллаштириб, меҳнат мигранларини турли бахтсиз ҳодислардан ҳимоя қилувчи янги суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш;

3. Ўзбекистон Республикаси фуқароларини бир йил муддатга чет элда ишлаш билан боғлиқ харажатларни тўлаш учун меҳнат муҳожирларига ажратиладиган (*2 млн сўм*) микрокредит қайтмаслиги хавфини суғурталашни изчил давом эттириш.

4. Туркия, БАА, Жанубий Корея ва дунёнинг бошқа давлатларига меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чиқаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун турли бахтсиз ҳодислардан ҳимоя қилувчи янги суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, 2022 йида режалаштирилган вазифаларни амалга оширган ҳолда суғурта фаолиятини янада ривожлантириш орқали Жамиятнинг суғурта бозоридаги улуши кўрсаткичини 9,4 фоиз даражасида сақлаш, барча суғурта турлари дорисида тузиладиган суғурта шартномалари сонини 2021 йилга нисбатан 1,3 баробарга ошириш ва тузиладиган шартномалар доирасида суғурта мукофотлари тушумини 23 фоиз ўсишни инobatга олган ҳолда 320 млрд сўм миқдорида таъминлаш режалаштирилган.

## II. Қайта суғурталаш фаолияти

Бугунги кунда, Жамият республика суғурта бозори халқаро рейтингга эга кам сонли компаниялардан биридир. **“Fitch Ratings Cis Ltd” халқаро рейтинг** агентлиги томонидан 2021 йил сентябрь ойида “Ўзагросуғурта” АЖГа **“ВВ-” Барқарор рейтинг** кетма-кет уч марта берилган. Суғурта бозорида ушбу мавқени яхшилашнинг асосий омилларидан бири бу мақбул (оптимал) ташкил этилган қайта суғурталаш механизми ҳисобланади.

Жамият республика суғурта бозорининг **30 та** суғурта ташкилоти, **5 та** суғурта брокери ва бир қатор хорижий қайта суғурталаш брокерлари ва суғурта компаниялари билан қайта суғурта доирасида ҳамкорлик шартномалари имзолаган.

Хусусан, Жамиятнинг ҳозирда қуйидаги хорижий суғурта, қайта суғурта ташкилотлари ва брокерлар билан шартномалари мавжуд:

- “Hannover Re” қайта суғурталаш компанияси (*Германия*);
- “Swiss Re” (*Швейцария*) қайта суғурталаш компанияси;
- “PICC P&C” суғурта компанияси, “Kunlun Insurance Brokers Co., Ltd” суғурта брокери (*Хитой*);
- “PartnerRe” қайта суғурталаш компанияси (*Нидерландия*);
- “Ингосстрах” суғурта компанияси, “ВТБ суғурта”, “АСТРА-МЕТАЛ”, “Skala Insurance Broker” брокер (*Россия*);
- “Challenge Group-Insurance Consultants and Brokers Limited” қайта суғурта брокери (*Россия*);
- Lloyd’s Суғурта бозорининг Concilium Re (*Direct Insurance London Market Ltd.*) суғурта брокери (*Лондон, Буюк Британия*);
- “АОН” қайта суғурта брокери (*Чехия*);

– “АГРОС Аграр Агентлиги” (*Украина*) ва “MOI Insurance Brokers Asia” брокерлик компанияси (*Қозоғистон*).

2021 йилда Жамият суғурта ва қайта суғурта портфели ҳимояланганлик даражасини ошириш мақсадида, жаҳоннинг етакчи компаниялари “Hannover Re” ва “SCOR” билан **қайта суғурта сиғими 5 млн АҚШ долларини ташкил қилган облигатор қайта суғурта шартномаси (слипи)** имзоланди. Олинган халқаро рейтинг натижасида компания қайта суғурта мукофотлари тушуми сезиларли даражада ўсди.

Ҳозирда Жамият Европа, Жанубий Америка давлатлари шунингдек Россия, Қозоғистон қайта суғурта компаниялари ва брокерлари билан қайта суғурта шартномалари имзолаб келмоқда. Бироқ Жаҳон қайта суғурта бозорида ўзининг мустақкам ўрнига эга Осиё давлатлари қайта суғурта бозорларига кириб бориш учун, Жамиятнинг устав капитали миқдори ҳамда халқаро рейтинг кўрсаткичлари даражаси камлик қилмоқда (*Япония, Хитой, Сингапур давлатлари қайта суғурта бозорларига кириш учун “А” дан кам бўлмаган халқаро рейтинг даражаси талаб қилинади*).

Ўз навбатида, қайта суғурталаш фаолиятини янада ривожлантириш учун Жамият 2022 йил давомида қуйидагиларни режалаштирмоқда:

– суғурта ва қайта суғурта портфелини диверсификациялаш, ва унинг ҳимояланганлик даражасини ошириш мақсадида ҳамкор суғурта ва қайта суғурта компаниялари ҳамда брокерлар билан самарали қайта суғурта фаолиятини юритиш;

– суғурта ва қайта суғурта бўйича семинар ва тренингларда қатнашиш орқали Жамият ходимларининг билимларини ошириш;

– Жамият устав капиталини кўтариш натижасида қайта суғурта сиғимининг ошиши билан кирувчи қайта суғурта мукофотлари ҳажмини ошириш ва қайта суғурта хизматлари сифатини яхшилаш;

– Жамиятнинг Жаҳон қайта суғурта бозоридаги имиджини яратиш, Осиё давлатлари қайта суғурта бозорини ўрганиш, таҳлил қилиш натижалари асосида Осиё давлатлари қайта суғурта бозорига кириш дастурларини ишлаб чиқиш (*Халқаро рейтинг даражасини яхшилаб бориш*);

– янги тахрирдаги “Суғурта фаолияти тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 2 августдаги ПҚ–4412-сонли қарорига мувофиқ қайта суғуртага қўйилган талабларнинг бажарилишини таъминлаш режалаштирилган.

**Натижада, 2022 йилда мазкур йўналиш бўйича 130 млрд сўм (130 фоиз) миқдорида қайта суғурта тушумлари режалаштирилган.**

### III. Жамиятда трансформация ва IPO жараёни

#### 3.1. Трансфармация жараёни

Жамиятда истеъмолчига йўналтирилган замонавий бошқарув усуллари, очиқлик, шаффофлик ва бозор тамойилларини жадал жорий этиш, таннархни пасайтириш орқали даромадларни ошириш, ислохотлар жараёнида хусусий капитал иштироки учун кенгроқ имкониятлар яратиш ва рақобат муҳитини янада яхшилаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислох қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 27 октябрдаги ПФ–6096-сон Фармонида асосан Жамият трансформация қилинадиган ташкилотлар рўйхатига киритилган.

Трансформация жараёнида Жамият томонидан бир қатор ишлар амалга оширилган бўлиб, 2022 йил давомида ҳам қуйидаги муҳим вазифалар белгиланган. Хусусан:

1. Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда фаолият юзасидан диагностика ўтказиш учун чет эл консултантларини жалб қилиш;
2. Диагностика натижаларига кўра трансформация жараёнини амалга ошириш юзасидан техник топширикни такомиллаштириш;
3. “Лойиҳалар ва импорт контрактларни комплекс экспертиза қилиш” ДУКдан техник топширикни экспертиза хулосасини олиш;
4. Техник топшириқга мувофиқ танлов жараёнини ташкил этиш ҳамда танлов ғолибини аниқлаш;
5. Танлов натижаларига кўра ғолиб бўлган халқаро эксперт билан шартнома имзолаш ва ишларни ташкил этиш;
6. Жамиятнинг халқаро бозорида молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида Устав капиталини 250 млрд сўмга етказиш чораларини кўриш;
7. 2021 йил учун молиявий ҳисоботларни халқаро молиявий ҳисоботлар стандартлари (IFRS) асосида тайёрлаш ҳамда халқаро аудит хулосаси олиш;
8. Жамиятнинг халқаро бозордаги мавқеини ошириш учун “Fitch Ratings” рейтинг агентлиги томонидан берилган халқаро рейтинг даражасини янгилаш;
9. Жамиятда таннархни пасайтириш мақсадида электрон полислар сотувини жадаллаштириш;
10. Жамиятнинг бизнес ва операциял моделни такомиллаштириш;
11. Жамият тизимида рискларни бошқариш тизимини такомиллаштириш;
12. Жамиятнинг харидлар ва бошқарув тизимини халқаро аудитдан ўтказиш;

13. Жамиятда “мувофиқлик тизими” (комплаенс) ва коррупцияга қарши курашишга оид фаолиятни такомиллаштириш;

14. Жамият тизимида “Uzagros Online” ягона электрон ахборот тизимини такомиллаштириш;

15. Жамият тизимида самарасиз ҳамда асосий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган активларни аниқлаш, уларни хатловдан ўтказиш ҳамда қонунчиликда ўрнатилган тартибда сотиш чораларини кўриш. Бўш пул маблағларини рентабеллик ва ликвидлилик даражаси юқори бўлган активларга йўналтириш.

### **3.2. Жамият активлардан самарали ва оқилона фойдаланиш**

Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзагросуғурта” акциядорлик жамияти активларидан самарали фойдаланишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 24 сентябрдаги 757-сон қарорига мувофиқ 2019-2021 йиллар давомида Е-аукцион орқали **64 та самарасиз бўлган маъмурий бинолар** (жами қиймати 22,3 млрд сўм) **сотилди.**

Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат иштирокидаги корхоналарнинг ктивларидан самарали фойдаланишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 4 майдаги 266-сон қарорига мувофиқ **19 та самарасиз бўлган маъмурий бинолар** (жами қиймати 681 млн сўм) Давлат активларини бошқариш агентлигига давлат мулки сифатида баланс қийматида балансдан балансга ўтказиб берилди.

Жамият тизимида мавжуд бўлган **эскирган ёки яроқсиз ҳолга келган 69 та енгил хизмат автотранспорт воситалари аукцион орқали** (жами қиймати 1 млрд сўм) **сотилди.**

Жамият тизимида замон талабларига мос, сифатли, қулай ва самарали хизматларни таклиф қила оладиган намунали филиал барпо этиш мақсадида юқоридаги Ҳукумат топшириғидан келиб чиқиб, 2020 йил 6 июлда Жамиятнинг Тошкент вилояти филиалини намунали ҳудудий филиалга айлантириш юзасидан “йўл харитаси” тасдиқланган бўлиб, унга кўра Филиалнинг суғурта хизматларини кўрсатиш соҳасини, кадрлар сиёсати, ахборот технологиялари, молия, бухгалтерия соҳаси, инфратузилмасини, моддий техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда суғурта даъволарини кўриб чиқиш тизимини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

2022 йилда мазкур тажрибадан фойдаланган ҳолда, намунали филиаллар ва намунали суғурта мараказлари кўламини, Жамиятнинг суғурта хизматлари салмоғини кенгайтириш мақсадида, Навоий, Наманган ва Хоразм вилоят филиалларини намунали ҳудудий филиалларга айлантириш чоралари кўрилади.

### 3.3. IPO жараёни

Капитал бозорини янада ривожлантириш, қимматли қоғозлар чиқарилишини кўпайтириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг фонд бозоридаги иштирокини кенгайтириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 13 апрелдаги ПФ–6207-сон Фармони қабул қилинган бўлиб, мазкур фармоннинг 4-иловасига мувофиқ Жамият 2021-2023 йилларда акциялари фонд биржаси орқали оммавий жойлаштирилиши белгиланган корхоналар рўйхатига киритилган.

Мазкур Фармон ижросини амалга ошириш мақсадида жорий йилнинг 26 июнида Давлат иштирокидаги корхоналар ва тижорат банклари акцияларини маҳаллий ва хорижий фонд биржаси орқали бирламчи оммавий жойлаштириш (IPO) бўйича “йўл харита”си Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари Ж.А.Қўчқоров томонидан тасдиқланган бўлиб, унга асосан қуйидгши вазифаларни 2022 йилда бажариш топширилган:

1. IPOга тайёргарлик кўриш, бунда IPOни ташкиллаштирувчи банклар синдикатини танлаб олиш, IPO учун маслаҳатчиларни аниқлаш ва жалб қилиш, Жамиятнинг IPO жараёнида Ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқиш, инвестиция бўйича Меморандум лойиҳасини ишлаб чиқиш;

2. Жамиятнинг акциялари учун дастлабки нарх чегараларини аниқлаш;

3. Акцияларнинг қўшимча чиқарилишини амалга ошириш, бунда IPO ўтказиш ва эмиссия шартларини тасдиқлаш;

4. Обуна компаниясини амалга ошириш, бунда ахборот ҳужжатларини тайёрлаш, обуна компаниясининг графигини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, IPO натижаларини сарҳисоб қилиш бўйича тадбирни ташкил этиш.

Юқорида белгиланган ишларни амалга ошириш натижасида Жамиятга чет эл инвесторларини жалб этиш, халқаро бозорда Жамият мавқеини мустақкамлаш, Жамият молиявий барқорорлигини такомиллаштириш чоралари кўрилади.

## IV. Маркетинг ва стратегик ривожланиш фаолияти

Замонавий суғурта маркетинги – бу суғурталанувчи эҳтиёжини тўлиқ кондириш ва унинг даромадини ошириш мақсадида компания хатти-ҳаракатларини концентрациялашга қаратилган ўзига хос фикрлаш усулидир. Шу боис, замонавий шароитларда суғурталовчиларнинг маркетинг тадбирларини оптималлаштириш ўзига хос аҳамият касб этади, яъни суғурта хизматлари миқдори ва сифатини унинг рентабеллигидан келиб чиқиб ўлчаш талаб этилади.



Жумладан, 2022 йил учун вазифалар каторига қуйидагилар киради:

1. Суғурта бозорини таҳлили асосида, суғурта маҳсулотларининг ўзига хос нархларини (тарифларини) шакллантириш;

2. Рақобатчиларни ўрганиш, хусусан, ўтказиладиган реклама компанияси, унинг сифати, усуллари ва ҳажми ҳақида маълумот берувчи оммавий ахборот воситаларининг мониторингини амалга ошириш. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари орқали суғурта компанияларининг рейтингларини ўрганиб бориш;

3. Кун давомида Жамият мижозларига тўлиқ ва батафсил маълумот олиш учун ёрдам кўрсатишга имкон берувчи “Call-center” ташкил этиш;

4. Жамият реклама стратегияси ва Медиа-режасини ишлаб чиқиш, оммавий ахборот воситаларида рекламани ташкил қилиш, мамлакатда реклама ва талабни рағбатлантириш бўйича илғор тажрибаларни ўрганиш ва улардан фойдаланиш, матбуот анжуманлари ҳамда бошқа тарғибот тадбирларини ўтказиш;

5. ОАВларида чиқишларни кўпайтириш орқали ижтимоий тармоқларда кузатувчилар сонини ошириш, турли хил оммавий тадбирларда қатнашиш ва лойиҳаларда иштирок этиш. Шунингдек, ёшларни турли лойиҳаларда қўллаб-қувватлаш.

6. Жамиятнинг ихтиёрий суғурта турларини тарғиб қилувчи видеороликлар яратиш;

7. Жамиятнинг ҳудудий филиаллари ва марказларининг ташқи кўринишини замонавийлаштириш.

Кўрсатилаётган хизматлар ҳажмини кенгайтириш ва мижозлар эҳтиёжини қондириш учун қуйидагилар амалга оширилади:

– суғурта хизматларини тарғиб қилиш шакллари ва каналларини таҳлил қилиш;

– намунали марказларни жорий қилиш.

– суғурта бозори истеъмолчилари талабларини ўрганиб, уларга мослашиш.

Жамият дастурларини мунтазам янгилаш ва замонавийлаштириш. Мижозларга қўшимча хизматларни таклиф қилиш.

## **V. Инвестиция фаолияти**

Жамиятнинг ўз маблағларининг етарли ҳажмининг мавжудлиги унинг тўлов қолбилиятининг ошишига олиб келади. Ушбу кўрсаткичга эришиш жамият суғурта захираларини тўғри инвестиция қилишдан иборат бўлади.

Бунда, Жамият ихтиёрида мажбуриятлардан ташқари маълум бир муддатга мавжуд бўлган суғурта захираларидаги вақтинча бўш пул маблағларини қўшимча фойда олиш мақсадида инвестиция қилиш тушунилади.

2022 йилда Жамият ўз инвестицион сиёсатини асосан тижорат банкларининг муддатли депозитлари ҳамда бошқа даромадли инвестицияларга йўналтиришни режалаштирган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сон Фармонида асосан Жамиятни трансформация қилиш жараёнида ишлаб чиқилган “йўл харитаси”га мувофиқ Жамият устав капиталини 250 млрд сўмга етказиш орқали Жамиятни ривожлантириш ва рақобатбардошлигини ошириш шунингдек, мазкур йўналтирилган пул маблағининг аксарият қисмини ҳамда мавжуд даромади паст бўлган қимматли қоғозларни белгиланган тартибда сотиш, уларни сотувдан олинган маблағларни бошқа юқори даромадли инвестицияларга йўналтириш орқали Жамиятнинг депозит портфелини ошириш режалаштирилган.

2021 йилнинг 30 ноябрь ҳолатига Жамият инвестиция портфели ҳажми 161,72 млрд сўмдан иборат бўлиб, унинг таркибида миллий валютадаги банк депозитлари – **76 млрд сўмни**, хорижий валютадаги банк депозитлари – **175 000 АҚШ долларини**, депозит сертификатлари – **500 млн сўмни**, облигациялар – **3 млрд сўмни**, қимматли қоғозлар (акциялар) – **32,63 млрд сўмни**, Жамиятнинг бошқа ташкилотларда иштироки – **44,16 млрд сўмни** ҳамда бошқа йўналишларда – **3,47 млрд сўмни** ташкил қилмоқда.

2021 йилнинг натижаларига мувофиқ Жамият инвестицияларидан олинадиган даромад **16,1 млрд сўмга** етказилиши кутилмоқда. Эътиборлиси, 2021 йил якунларига кўра Жамият инвестиция портфелидаги банк депозитлари, депозит сертификати ва облигация даромадлиги ўртача йиллик 17,8 фоизни ташкил қилиши прогноз қилинмоқда.

Бироқ, 2021 йилнинг 30 ноябрь кунига қадар Жамият инвестиция портфелида қиймати **32,63 млрд сўмни** ташкил қилувчи қимматли қоғозлардан атиғи 154 млн сўм миқдоридagi дивиденд олинган, яъни қимматли қоғозларнинг даромадлиги 0,47 фоизни ташкил қилмоқда.

Шунингдек, Жамиятнинг инвестицион фаолияти рентабеллигининг прогноз кўрсаткичлари ҳисобланиб, бунда банк депозитларига инвестициялар ҳажмининг кўпайиши ҳисобига даромадлар ўсиши прогноз қилинмоқда.

Юқоридаги таҳлил натижаларига кўра Жамият Кузатув кенгашига Жамият инвестиция портфелидаги қимматли қоғозлардан олинаётган дивиденд кўришидаги даромадларнинг камлигини инобатга олиб, мазкур кўрсаткичларни кенг таҳлил қилган ҳолда уларни қонунчиликда белгиланган тартибда сотувга чиқариш ҳамда сотувдан олинган маблағларни юқори

даромадли банк депозитлари ва бошқа инвестицияларга жойлаштириш чораларини кўриш бўйича таклиф киритилиши режалаштирилган.

Бунинг натижасида, 2022 йилнинг якунларига кўра Жамият инвестицияларидан олинган даромад **20,7 млрд сўмга** (2021 йилга нисбатан ўсиш 28,6 фоиз) етказилиши прогноз қилинмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, 2022 йилда Жамиятнинг фаолият кўламини кенгайтиришга, шунингдек, инвестиция портфелини диверсификация қилиш йўли билан инвестиция фаолиятига катта эътибор қаратилади.

## **VI. Кадрлар сиёсати йўналиши**

Бугунги кунда, Жамият тизимида **874 та штат бирлиги** мавжуд бўлиб, жами ишлаётган **ходимлар сони 765 нафарни** (техник ходимлардан ташқари) ташкил этади, шундан **466 нафари** (61 фоизи) **олий маълумотли**. Уларнинг 15 нафари суғурта (3 фоизи), 195 нафари молия, иктисодиёт ва солиқ ҳамда 256 нафари бошқа соҳа мутахассисликларига эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги ПҚ–4412-сон қарорига мувофиқ Жамият тизимда самарали фаолият юритаётган истиқболли ўрта ва ёки ўрта махсус маълумотига эга бўлган кадрларни мамлакатдаги олий таълим муассасасаларининг “Суғурта иши” таълим йўналишида ўқитиш мақсадида:

2020-2021 ўқув йилида 27 нафар ходим ўқишга юборилган;

2021-2022 ўқув йилида 14 нафар ходим олий ўқув юртига тавсия этилган.

2022-2023 ўқув йилидан бу кўрсаткич икки баробарга ёки 28 нафаргача оширилади. Натижада, келгусида Жамият тизимида “Суғурта иши” мутахассислиги бўйича **олий маълумотли кадрлар сонини 69 нафарга (14 фоиз) ошириш** кўзда тутилмоқда.

Шу билан бирга, тизимда **салоҳиятли кадрларни сақлаб қолиш, кадрларни тайёрлаш, “Устоз – шогирд” анъанасини йўлга қўйиш, малакали кадрларни жалб қилиш** бўйича қуйидаги **3 та йўналиш** бўйича вазифаларни **устувор вазифа** сифатида белгилаш таклиф этилмоқда:

1. Жамиятда фаолият юритаётган мавжуд салоҳиятли кадрларни сақлаб қолиб, рақобатбардошлигини ошириш ва рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш;

2. Жамият тизими учун малакали ва етук кадрларни тайёрлаш ҳамда “Устоз-шогирд” анъанасини йўлга қўйиш тизимини такомиллаштириш.

3. Жамиятга малакали шу жумладан, ёш, билимли ва истиқболли кадрларни жалб қилиш.

**Кадрлар тайёрлаш дастурига мувофиқ устувор вазифаларни амалга ошириш қўйидаги йўналишларни ўз ичига олади:**

**1. Жамиятда фаолият юритаётган мавжуд салоҳиятли кадрларни сақлаб қолиб, рақобатбардошлигини ошириш ва рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш бўйича:**

1.1. Жамият филиаллари шу жумладан, суғурта марказлари фаолият кўрсаткичларига қараб иш ҳақи фондиди белгилашнинг янги усулини жорий этиш.

Бунда, ҳудудий филиаллар ва суғурта марказлари фаолият кўрсаткичлари бўйича “**Рейтинг баҳолаш**” тизими жорий қилиниб, баҳолаш яқунларидан келиб чиқар ҳолда ходимга иш ҳақи ва устама белгиланади.

1.2. Жамиятда самарали фаолият юритаётган ходимларни ижтимоий рағбатлантириш “**Ижтимоий қўллаб-қувватлаш**” пакетини жорий этиш.

Бунда, тизимда самарали фаолият юритаётган ходимлар учун тижорат банклари билан ўзаро келишув орқали имтиёзли ипотека кредити ва/ёки истеъмол кредитларини ажратиб бориш лойиҳаси амалга оширилади.

1.3. Жамият ходимларининг малакасини ошириш, қайта тайёрлаш ва чет элда стажировка ўташини таъминлаш.

Бунда, истиқболли ва фаолият йўналишида натижадорликка эришаётган ходимларни чет элга стажировка ўташлари таъминланади ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳамда Банк-молия академиясида ўқитилади.

1.4. Жамият ходимларининг **фаолият самарадорлигини (KPI) онлайн баҳолаш** тизимини жорий этиш.

Бунда, Жамият тизимидаги барча масъул ходимларнинг фаолият соҳаси йўналишидан келиб чиқиб, ходимнинг иш самарадорлиги баҳоланади ва яқунлари бўйича моддий рағбатлантирилади.

**2. Жамият тизими учун малакали ва етуқ кадрларни тайёрлаш ҳамда “Устоз – шогирд” анъанасини йўлга қўйиш.**

2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги ПҚ–4412-сонли қарорига мувофиқ, Жамият тизимида самарали фаолият юритаётган истиқболли ўрта ва/ёки ўрта махсус маълумотига эга бўлган кадрларни олий таълим муассасасаларининг “**Суғурта иши**” таълим йўналишида ўқитиш.

Бунда, 2021-2022 ўқув йилида 14 нафар ходим олий ўқув юртига тавсия этилган бўлиб, 2022-2023 ўқув йилидан бу кўрсаткич икки баробарга ёки 28 нафаргача оширилади.

2.2. Тажрибали ходимлар билан ёш мутахассислар шу жумладан, стажировка ва амалиёт ўтаётган кадрлар ўртасида “Устоз – шогирд” анъанасини йўлга қўйиш.

Бунда, ҳар бир раҳбар ходим учун ҳар 6 ойда 1 нафар ёш мутахассислар бириктирилади. Ҳар бир раҳбар ходим Жамият учун ҳар йили 2 нафар тажрибали ходимни тайёрлайди.

2.3. Молия, банк, иқтисодиёт йўналишларига ихтисослашган олий ўқув юртлари битирувчиларининг малакавий иши ҳимоясида ҳамда “Карьера кунлари”да мунтазам иштирок этишни таъминлаш.

Бунда, соҳага ихтисослашган олий ўқув юртлари битирувчи босқич талабаларининг битирув малакавий ишини қабул қилувчи комиссия таркибида ҳамда ОЎЮ томонидан ташкил этилиб келинаётган “Карьера кунлари”да иштирок этиб, билимли мутахассислар Жамиятга жалб қилинади.

### **3. Жамиятга етук, истиқболли мутахассисларини танлаш ва жалб қилиш (Headhunting).**

Мутахассисларни жалб қилишда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш:

- ходимнинг иш ҳақи фонди ва “Ижтимоий қўллаб-қувватлаш” пакетини бозор иқтисодиёти шароитида жозибадорлигини таъминлаш;
- ходимнинг келгусидаги карьера ва истиқболдаги муваффақиятини кафолатлаш;
- статусга эга лавозимга тайинлаш;
- лавозимга мос ваколат, мажбурият ва масъулият бериш.

## **VII. Жамиятга ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон Фармони билан тасдиқланган “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини амалга ошириш доирасида Жамият томонидан қуйидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш режалаштирилган:

- мижозлар исталган жойда, исталган вақтда ҳафтасига 7 кун, суткасига 24 соат мобайнида суғурта маҳсулотларини харид қилиши;
- ҳеч қандай шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари талаб қилинмаслиги;
- исталган тўлов тизимлари орқали пул тўлаши;
- ҳар бир суғурта полисига QR-код асосида ноёблик статуси берилиши;
- QR-код махсус гаджетлар (смартфон, планшет) орқали сканер қилиниши натижасида суғурта полисига тегишли маълумотни акс эттириши.

Шу билан бирга “Uzagros Online - ягона электрон ахборот тизими” янада такомиллаштирилиб, мажбурий суғурта турлари портфелини шакллантиш имкониятлари яратилади.

Шунингдек, QR-кодли пластик карталар орқали суғурта полисларини сотишни автоматлаштиришга мўлжалланган “Универсал полис” ахборот тизими, мобиль илова ва веб-сайтни модернизация қилиш режалаштирилмоқда.

Маълумки, 2020 йил пандемияси шароитида Республикада эълон қилинган карантин чоралари оқибатида аксарият ташкилотлар иш фаолияти масофадан туриб ташкил этилишини тақозо этди. Мазкур ҳолатда Жамиятнинг иш фаолиятини барқарорлигини таъминлаш, самарадорлигини ошириш ҳамда масофадан туриб фаолият узлуксизлигини йўлга қўйиш мақсадида жамият тизимида “Коллектив” электрон ҳужжат алмашиш тизими жорий этилган бўлиб, 2022 йилда мазкур тизими такомиллаштириш ва бутун тизим бўйича тадбиқ этиш чоралари кўрилади.

“Коллектив” электрон ҳужжат алмашиш тизимида ижро интизомига масъул ходимлар учун akkaунтлар очилган бўлиб ушбу akkaунтлар орқали жамият тизимидаги ҳужжатлар алмашинуви тўлиқ электрон тарзда амалга ошириш имкониятини яратади.

**“Коллектив” электрон ҳужжат алмашиш тизимининг қулайликлари ва имкониятлари қуйида келтирилган.**

**Девонхона томонидан бажариладиган функциялар:**

- кирувчи ҳужжатни рўйхатдан ўтказиш;
- кирувчи ҳужжатни сақлаш;
- кирувчи ҳужжатни котибиятга юбориш;
- чиқувчи ҳужжатни сақлаш (буюртмани бажариш) ва б.

**Ижро этувчи аппаратнинг вазифалари:**

– ишхонадан қабул қилиш ва кирувчи ҳужжатни рўйхатдан ўтказишни тасдиқлаш ёки рад этиш;

– рўйхатдан ўтганлиги тасдиқлангандан сўнг ижрочилар ва муддатлар кўрсатилган қарор лойиҳасини яратиш;

– тасдиқланган чиқувчи ҳужжатни раҳбариятдан қабул қилиш ва бажарилишини назоратдан олиб ташлаш;

– тасдиқланган чиқувчи ҳужжатни тегишли идорага юбориш ва б.

**Раҳбар томонидан бажариладиган функциялар:**

– котибиятдан кирувчи ҳужжатни қабул қилиш ва қарор лойиҳасини тасдиқлаш ёки рад этиш;

– назорат қилиш ва вазифаларни шакллантириш учун резолюцияни ташкилий назорат бўлимига юбориш;

– резолюцияни ижрочи билан муҳокама қилиш ва агар керак бўлса, резолюцияни ўзгартириш;

– котибиятдан чиқувчи ҳужжатни қабул қилиш ва буйруқнинг бажарилиши фактини тасдиқлаш ёки рад этиш.

#### **Ижрочи томонидан бажариладиган функциялар:**

– раҳбар ёки котибиятдан кирувчи ҳужжатни резолюция (чип) билан қабул қилиш;

– чиқувчи ҳужжатни биргаликда ижрочилар билан ишлаб чиқиш ва келишиш;

– келишилган чиқувчи ҳужжатни бошқарувчи томонидан тасдиқлаш ва назоратдан олиб ташлаш учун котибиятга юбориш;

– мобиль илова орқали ўзига юклатилган вазифаларни доимий мониторинг қилиб бориш ва б.

Жамият фаолиятида ушбу ахборот тизими жорий этилгандан буён ортиқча қоғозбозлик қисқарди, ижро интизоми автоматлаштирилиши натижасида белгиланган вазифалар ижроси имкон қадар ўз вақтида бажарилмоқда. Шунингдек, ходим ҳужжат ижросини масофадан туриб таъминлаш имконияти яратилди. Раҳбар ходимлар томонидан ҳужжатлар электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш имконияти яратилди ва тасдиқланган ҳужжатлар <https://hujjat.uz/> - Электрон ҳужжатларни ҳисобга олиш ва шакллантириш тизимида сақланади.

Шу билан биргаликда, “Uzagros Online” ягона электрон ахборот тизими” жамият тизимига жорий қилиниши орқали суғурта ва қайта суғурта портфели, суғурта даъволари, даромад, харажат, суғурта захиралари, молиявий таҳлил бўйича ҳисоботларни онлайн шакллантириш имконияти яратилди. Бунда тизимда алоҳида фойдаланувчи яратилиб, мазкур ахборот тизимда авторизациядан ўтган ҳолда ўзига ажратилган рол билан интернет тармоғи орқали дунёнинг исталган нуқтасида тегишли ҳисоботларни шакллантиради.

### **VIII. Худудларни ривожлантириш**

Хозирда, Жамият тизимида **14 та** худудий филиал ҳамда **224 та** суғурта марказлари мавжуд.

Жамият тизимида худудий филиалларни баҳолаш рейтинг тизими жорий қилинган ва мазкур баҳолаш рейтингига қуйидаги меъзонлар инобатга олинган:

– асосий иқтисодий кўрсаткичлар;

- суғурта мукофоти тушумлари;
- режа кўрсаткичлари бажарилиши;
- меҳнат унумдорлиги;
- иш юритиш харажатларининг белгиланган меъёрга мувофиқлиги;
- суғурта тўловлари улуши;
- бошқа даромадлар ва соф фойда.

Мазкур баҳолаш рейтинги меъзони талабларига кўра **Жамиятнинг 5 та энг яхши** ҳудудий филиаллар деб – **Тошкент шаҳар, Тошкент, Наманган, Хоразм ва Фарғона вилоятлари** баҳоланган.

Жамиятнинг қониқарсиз 4 та ҳудудий филиалларга – **Бухоро, Жиззах, Сирдарё ва Қашқадарё вилоятлари** деб баҳоланган.

Мазкур фаолияти қониқарсиз бўлган филиалларни ривожлантириш бўйича қуйидаги ишларни амалга ошириш таклиф этилади:

1. Фаолияти қониқарсиз ҳар бир вилоят филиалига Бошқарув раисининг ўринбосари ва Бошқарув тузилмавий бўлинма раҳбарлигида кураторлик тизими жорий этиш;

2. Жорий йилда амалга оширилган харажатларни кайта кўриб чиқиш ҳамда оптималлаштириш;

3. Қолоқ филиаллардаги ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ҳолатини ўрганиб чиқиб, уларга мос келувчи суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

4. Фаолиятида сурункали равишда камчиликка йўл қўяётган филиал раҳбарларини лавозимидан озод этиш ҳамда кадрлар қўнимсизлигини олдини олиш мақсадида филиал бошқарувчилари кадрлар захирасини шакллантириш;

5. Қолоқ ҳудудларда аҳоли билан ишлайдиган суғурта агентлари сонини кўпайтириш ва уларнинг малакасини доимий равишда ошириб бориш;

6. Республикада фаолият олиб бораётган **33 та** тижорат банклари билан меморандумлар имзолаб, мазкур меморандумлар бўйича Агентлик келишувларини тузиш ҳамда суғурта мукофотлари тушумини **20 млрд сўмга** етказиш;

7. “Ўзагролизинг” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ “Ўзбекистон почтаси” АЖ, “Ўзкимёсаноат” АЖ, “Ўзбекнефтгаз” АЖ ҳамда “Иссиқлик электр станциялари” АЖлар каби йирик ҳудудий филиалларига эга ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича меморандумлар имзолаган ҳолда Жамиятнинг ҳудудий филиалларига ҳамкорлик йўлларини очиб бериш.



## IX. Ахборот сиёсати масалалари

Жорий йилда кўрсатилаётган хизматлар, уларнинг сифати ва афзаллик жиҳатлари тўғрисида Жамият расмий веб-сайти, ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали **350 тага** яқин материаллар жойлаштирилди.

Тасдиқланган Медиа-режа асосида жами **11 та** матбуот анжумани, брифинг ва бошқа медиа тадбирлар ўтказилди. Шунингдек, мижозлар ва кузатувчилар билан самимий мулоқотни янада ривожлантириш мақсадида компания фаолиятига оид энг долзарб воқеъликлар тўғрисида Facebook ва Instagram даги саҳифалар орқали онлайн эфирлар ташкил этиш амалиёти йўлга қўйилди.

Аҳолининг суғуртавий саводхонлиги, суғурта хизмати ва турлари ҳақида филиаллар фаолияти мисолида вилоят телевидениелари билан ҳамкорликда **16 та** махсус кўрсатув ташкил этилди. Газета ва журналларда **23 та** таҳлилий материаллар чоп этилди. 2021 йилнинг ўтган даври мобайнида компания расмий веб-сайтида **87 та**, Telegram каналида **333 та**, Facebook саҳифасида **180 та**, Youtube влогида **22 та** ҳамда бошқа интернет сайтларида **250 дан** ортиқ материаллар эълон қилинди.

Жамият фаолиятига эътиборни жалб қилиш мақсадида 2021 йилда Ахборот хизмати томонидан янги лойиҳалар жорий қилинди. Хусусан, бугунги кунда аҳолига кўрсатилаётган хизматлар, суғурта бозоридаги муаммолар, оддий фуқаролар учун фойдали ва қизик бўлган маълумотларни кенг омма эътиборига ҳавола қилиш мақсадида “Аслида қандай?” номли янги лойиҳани ишлаб чиқди ва амалиётга жорий қилди.

Ўз навбатида, ЎЗМТРКнинг “Ўзбекистон телеканалида эфирга узатиладиган “Ойдин ҳаёт” ток-шоуси ижодкорлари билан Ахборот хизмати ҳамкорлигида суғурта билан боғлиқ руқн ташкил этилиб, умумий суғурта ва ҳаёт суғуртаси билан боғлиқ туркум суҳбатлар ташкил этилди.

Ахборот сиёсатини юритиш борасида танланган стратегия компаниянинг ижобий имижини шакллантириш ва иш самарадорлигининг кескин ривожланишига ижобий таъсир қилди.

**Жамият Ахборот хизмати томонидан ички ва ташқи ахборот платформаларда жойлаштирилган медиа махсулотлар сони 2021 йил 11 ойида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,5 баробарга ўсди.** Компаниянинг ушбу йўналишдаги ўсиш динамикаси сўнгги 3 йилдаги кўрсаткичларда яққол намоён бўлади. Тарғибот масаласида оммавий ахборот воситалари ва компания расмий веб-сайтида 2018 йилда атиги 37 та материал эълон қилинган бўлса, бу кўрсаткич 2019 йилда **72 тага**, 2020 йилда **95 тага** етганини кўриш мумкин. Жорий йилнинг ўтган даврида компания фаолияти билан боғлиқ **333 та** ахборот ва маълумотлар эълон қилинди.

Жамият ахборот хизмати томонидан бажариладиган ишлар кўламини 2022 йилда яна **30 фоизга** ошириш режалаштирилмоқда. Бунда асосан ташқи ахборот сиёсатига эътибор қаратиш, марказий телеканаллар, кенг аудиторияга эга интернет сайтлари билан ҳамкорлик алоқаларини янада кучайтириш орқали миждозлар билан онлайн мулоқотни кўпайтиришга эътибор қаратилади.

Шунингдек, МТРКнинг теле ва радиоканаллари билан ҳамкорликда суғурта соҳасида, хусусан компанияда соҳага оид жорий қилинаётган янгиликлар, суғуртадаги янги хизмат турлари юзасидан “Суғурта нима беради?” рукни остида туркум кўрсатувлар ташкил этиш режалаштирилган. Ушбу лойиҳанинг муқобили яъни, “Суғуртанинг фойдаси ҳақида” номли савол-жавоб шаклидаги кўрсатувни Нодавлат нотижорат телеканаллари орқали ҳам эфирга узатиш режалаштирилган.

## **Х. Жамият бизнес-режасининг прогноз кўрсаткичлари**

Суғурта фаолиятини самарали ташкил этишнинг муҳим йўналишларидан бири режалаштириш бўлиб, қуйидагилар унинг асосий босқичларини белгилайди:

– **стратегик режалаштириш** – Жамият олдидаги вазифаларни бажаришга қаратилган асосий стратегик ташаббусларни аниқлашга имкон беради;

– **бюджет (кўрсаткичлар)** – Жамиятнинг даромадлар ва харажатларининг прогноз кўрсаткичлари, оператив режалар тимсолида Жамият стратегиясини амалга оширишга ёрдам беради;

– **ҳисоботлар** – Жамиятнинг молиявий ҳолатини, ташаббускорликни муваффақиятини ва бизнес операцияларининг самарадорлигини баҳолайди;

– **таҳлил** – заиф томонларни ва яширин имкониятларни аниқлайди.

Бизнес-режа – асосий мақсадларни акс эттирувчи кенг қамровли ҳужжат бўлиб, акциядорлик жамиятининг ривожланиш стратегиясини ва қабул қилинган қарорларнинг юқори даражада самарадорлигини таъминлайди. Уни ишлаб чиқиш жараёнида менежмент, молиялаштириш, маркетинг, вазифаларни тақсимлаш ва бошқа кўплаб масалалар ҳал қилинади, белгиланган режа кўрсаткичларига мунтазам равишда тузатишлар киритилади, Жамият фаолиятида юз бераётган ўзгаришларни узлуксиз назорат қилиш ҳамда баҳолаш натижалари асосида режани бажариш бўйича чоратадбирлар тизими қайта кўриб чиқилади.

Бизнес-режанинг прогноз кўрсаткичлари (*1 ва 2-иловаларда*) чораклар кесимида бир йилга тузилади. Режалаштирилган давр учун тасдиқланган мақсадлар, Жамиятнинг бизнес-режаси ва унинг асосида таркибий бўлинмаларнинг келгуси йилга мўлжалланган иш режалари прогноз кўрсаткичларни тузиш учун асос бўлади.

Кўрсаткичлар баланс усули ёрдамида ишлаб чиқилиб, унинг асосий мақсади молиявий режалаштиришда даромадлар ва харажатлар номуносивблигини олдини олиш ва энг мақбул вариантни танлаб олишдир.

Ўз навбатида, даромадлар қисмида суғурта мукофотлар тушумлари, кирувчи қайта суғурта мукофотлари тушумлари, ўтган йилдан ўтувчи суғурта захиралари, инвестиция фаолиятдан олинган даромадлар, ташувчи бўйича суғурта шерикчилиги (pool)дан олинган даромадлар ва бошқа даромадлар акс эттирилади.

Харажатлар қисмида суғурта хизматларининг таннархи, шу жумладан суғурта тўловлари, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармасига ажратмалар, суғурта ходисаларини олдини олиш чора-тадбирлари учун ажратмалар, техник захиралар, суғурта суғурта шерикчилиги (pool) харажатлари, иш юритиш харажатлари ва бошқа харажатлар акс эттирилади.

Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятининг асосий кўрсаткичлар прогнози қуйида келтирилган:

**1. Суғурта мукофотлари тушумларини – 2021 йилга нисбатан 23 фоиз ўсиш билан 320 млрд сўм миқдорида режалаштирилган.** Жумладан:

- мажбурий суғурта турлари бўйича – **80,7 млрд сўм**;
- корхоналар мол-мулкани суғурталаш бўйича – **129,6 млрд сўм**;
- аҳоли саломатлиги ва мол мулкани суғурталаш бўйича – **49 млрд сўм**;
- бошқа суғурта турлари бўйича – **60,7 млрд сўмни** ташкил этади.

**2. Кўрсатилган суғурта хизматларининг таннархи – 117,8 млрд сўм (122 фоиз).** Жумладан:

- Иш юритиш харажатлари – **56,3 млрд сўм (ўсиш 21,3 фоиз)**;
- Суғурта тўловлари ҳажми – **61,5 млрд сўм (ўсиш 22,5 фоиз)**.

**3. Суғурта жавобгарлигининг ҳажми – 99 трлн сўм (ўсиш 18 фоиз).**

**4. Давр харажатлари – 110,4 млрд сўм (ўсиш 8 фоиз).**

**5. Молиявий фаолиятдан 20,7 млрд сўм миқдорида даромад олиш режалаштирилмоқда.**

**6. Юқоридаги кўрсаткичларни бажариш мақсадида 1,7 млн дона шартнома имзолаш режалаштирилган.**

**7. Ушбу тадбирларни амалга оширилиши натижасида 10,1 млрд сўм миқдорида соф фойда олинishi режалаштирилмоқда.**

2022 йилда фойда олишнинг асосий манбаалари – суғурта мукофотлари ҳажмининг **23 фоизга** оширилиши ҳамда молиявий фаолиятдан олинadиган

даромадлардир. Бунда, оралик даврлар (2022 йилнинг I-III чораклари) соф зарар билан якунлаш режалаштирилади ва ушбу кўрсаткичнинг пасайиш тенденциясига кўра 2022 йил охирида ижобий натижа олишга эришилади. Бунинг асосий сабаблари куйидагилардан иборат:

– Жамият томонидан 2022 йилда тузилган суғурта шартномаларига асосан олинган мажбуриятлар доирасида 2022 йилнинг 9 ойда **49,5 млрд сўм** миқдорида суғурта тўловларини тўлаш режалаштирилган;

– янги суғурта шартномалари тузилиши муносабати билан, 2022 йил I-III чоракларида техник захиралар ҳажмини **77,4 млрд сўмга** ошади, бу эса Жамиятнинг зарари сифатида акс эттирилади.

2022 йил якуни бўйича аксарият суғуртала шартномалари муддати тугаши муносабати билан бу кўрсаткич (*техник захиралар*) **63,2 млрд сўмгача** камаяди, яъни **14,2 млрд сўм** миқдоридаги маблағлар Жамият даромадига йўналтирилади.

Суғурта қонунчилиги талабларига мувофиқ 2022 йилда Жамият томонидан куйидаги техник захираларини шакллантириш давом эттирилади:

– ишлаб топилмаган суғурта мукофотлари захираси (ИМЗ) **124,3 млрд сўм**;

– содир бўлган, лекин, хабар қилинмаган зарарлар захираси (СХЗЗ) **26 млрд сўм**;

– хабар қилинган зарарлар захираси (ХЗЗ);

– транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртаси бўйича барқарорлаштириш захираси (ТВЭФЖМС БЗ) **21,1 млрд сўм**;

– иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртаси бўйича барқарорлаштириш захираси (ИФЖМС БЗ) **29,6 млрд сўм**;

– ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртаси бўйича барқарорлаштириш захираси (ТФЖМС БЗ) **6,2 млрд сўм**.

Биринчи ҳисоб гуруҳи бўйича ишлаб топилмаган суғурта мукофотлари захираси “pro rata temporis” усулида ҳисобланади. Иккинчи ҳисоб гуруҳи бўйича ишлаб топилмаган суғурта мукофотлари захираси ҳар бир суғурта шартномаси бўйича базавий суғурта мукофотлари миқдорида шартномани амал қилиш муддати тўлиқ тугагунга қадар аниқланади. Тўртинчи ҳисоб гуруҳи бўйича ишлаб топилмаган суғурта мукофотлари захираси суғурта шартномасининг амал қилиш муддати тўлиқ тугагунга қадар базавий суғурта мукофотининг 75 фоизи миқдорида ҳар бир шартнома бўйича аниқланади.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртаси бўйича барқарорлаштириш захираси Молия

вазирлигининг буйруғи билан тасдиқланган 1882-3 сон билан рўйхатдан ўтказилган “Суғурта захиралари тўғрисида”ги Низомга киритилган ўзгатириш ва қўшимчаларга ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ шакллантирилади. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртаси бўйича барқарорлаштириш захираси транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш шартномалари бўйича ҳисобот кунидан 36 ой олдин амалга оширилган суғурта тўловлари миқдоридан кўп бўлмаган миқдорда шакллантирилади.

Содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захираси ҳар бир суғурта тури учун алоҳида, аммо ҳар бир шартнома учун базавий суғурта мукофоти миқдорининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда ҳисобланади.

Барча турлари бўйича тўланадиган суғурта тўловининг ҳисоб-китоби уч йил давомида амалга оширилган суғурта тўловлари динамикаси асосида аниқланади.

Аҳоли мол-мулкани ва шахсий суғурта турларини ривожлантириш Жамиятнинг устувор вазифаларидан бири деб белгиланган. Тариф ставкаларининг қулайлиги тўғридан-тўғри суғурта қилдирувчилар сони ва суғурталанган объектлар сонига боғлиқ бўлиб, уларнинг сони қанча кўп бўлса, ўртача суғурта тарифи шунча паст бўлади.

Шунингдек, Жамият йирик компаниялар томонидан тақдим этиладиган таваккалчиликларнинг айрим турларини суғурталаш бўйича суғурталовчилар ўртасидаги танлов (тендер)ларда иштирок этади.

Молиявий кўрсаткичлар прогнози қуйидаги сабабларга кўра ўзгарувчан деб ҳисобланади:

– Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича таъминладиган суғурта мукофотлари ҳажмини юқори эҳтимоллик билан режалаштиришни имкони йўқ, чунки ТФЖМСҚ бўйича суғурта шерикчилиги (ПУЛ) яратилиши ва суғурта мукофотлари ҳажмининг ошиши шерикчилик (ПУЛ)да қатнашадиган бошқа суғурта компаниялари фаолиятига боғлиқдир;

– Жамият инвестиция портфелини рентабеллик даражасини ошириш мақсадида самарасиз қимматли қоғозларни қонунчиликда ўрнатилган тартибда сотувга чиқарилиш ва уларни реализация қилиш ҳолатига боғлиқ;

– тижорат банклари томонидан ажратиладиган имтиёзли кредитларни қайтарилмаслик хавфини суғурталашда таъминладиган суғурта мукофотлари миқдорини юқори эҳтимоллик билан режалаштиришни имкони йўқ, чунки банклар томонидан имтиёзли кредитларни ажратиш тартиби бўйича банклар кредитларни қайтариши бўйича суғурталашга мажбур

эмасдирлар;

– ипотека кредитларни суғурталаш бўйича суғурта мукофотлари ҳажми банклар томонидан ипотека кредитлар ажратилиши билан боғлиқдир;

– воситачилик харажатлари қонунчиликда белгиланган миқдордан ошмаган ҳолда белгиланиб, суғурта мукофотлари ҳажмига ва (суғурта бозоридаги) рақобатни ривожланиш даражасига боғлиқдир;

– иш юритиш харажатлари миқдори суғурта мукофотлари тушумига мутаносибдир;

– суғурта тўловлари ҳажми кўплаб омилларга боғлиқдир, хусусан, об-ҳаво шароити, ҳайвонларнинг юқумли касалликлари, экинлар касалликлари ва бошқалар.

Жамият харажатлар бўйича прогноз кўрсаткичларини тартибга солиш имкониятига эга. Режадаги фойдани олиш учун харажатлар бўйича прогноз кўрсаткичлари ҳам моддалар ўртасида ҳамда умуман олганда, харажатларнинг умумий миқдори бўйича ўзгартирилиши мумкин. Режалаштирилган суғурта мукофотларига нисбатан умумий тушум ва олинадиган фойда миқдорини ҳисобга олган ҳолда ҳам суғурта турлари бўйича ҳам чораклар кесимида ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 2022 йил Жамият фаолиятини трансформация қилиш учун муҳим таянч нуқтасига айланади, бу эса Жамиятнинг 2022 йилда Бизнес-режани амалга оширилишини таъминлаш билан бирга мамлакатимиз суғурта бозорида ўз мавқеини янада мустаҳкамлаш учун замин яратади, шунингдек халқаро суғурта бозорида янада кенгроқ иштирок этишга йўл очади.